

ГУЛНОРА МАТЁҚУБОВА

Ватан сеғиси

«ИСТИҚЛОЛ»
ТОШКЕНТ
2012

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

М-31

Чж.б. араб.

Бу тўпламга таниқли журналист-ижодкорнинг умр бўйи ёзган шеърлари киритилди. Уларда ўткир қалам соҳибасининг жўшқин қалб наволари, Ватанга, меҳрибонларига, она табиатга бўлган муҳаббати илҳом билан куйланади. Шеърларни мутолаа қилиб сиз ҳам шоиранинг дил сўзларига шерик бўласиз.

2012/95 A 12153	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekistani ISBN 978-9943-308-50-3
--------------------	--

40526
HD
08/01

© «Истиқлол» нашриёти, 2012 й.



ИЖОДГА БАХШИДА УМР

Ҳақиқий журналист ижодга чин маънода жасорат, фидойилик билан ёндошади. Илҳом билан қалам тебратади. Кўп инсонлар кўраолмайдиган, ҳис қилмайдиган нарсаларни кўра олади ҳис қиласди. Камчиликларга, адолатсизликларга бефарқ бўлмаган ҳамда уларга қарши кураша оладиган ижодкоргина чинакам журналист бўла олади.

Ўз ҳаётини бадиий-адабиёт билан боғлаган, китобни жон-дилдан севган қалам соҳибининг ижоди янада мазмунли, янада ўқишли бўлади.

Истеъдодли журналист Гулнора Матёқубованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ана шу хислатларга ошуфта.

Мен у билан бундан йигирма беш йил муқаддам журналистларнинг қурултойида танишган эдим. Тиришқоқ, қатъиятли, ўз сўзида дадил турадиган, матбуотга умрини бахшида этган журналист аёл – муҳаррир сифатида қалбимдан жой олган.

У кўп йиллар, яъни 15 йил давомида кўхна Манғитда, Амударё туманининг «Амударё ҳақиқати» газетасига муҳаррирлик қилган. Ўша даврда, шўро тузуми, ўз ҳукмини ўтказиб, миллий ғуруримизни поймол этаётган вақтларда аёл боши билан узоқдаги бир туман газетасига бош бўлиб, ўз сўзини айта олган муҳаррир-журналист, ҳақиқий замонавий Тўмарис аёллардан бири эди.

Гулнора ўша даврларда ҳам ўзининг ўткир публицистик мақолалари, очерклари билан бир қаторда, қалб тугёнларини шеърларда ҳам ифода эта олган ижодкор эди. У ўша йиллардаги бир шеърида шундай сатрларни битган эди:

Мард ва жасур Тўмариснинг наслиман,
Ватанимга офтоб қиласай меҳримни.
Юртим, тупроғингни чанг солғанларга,
Тўмарисдай кўрсатурман қаҳримни.

Бу оташин сўзларни айтиш учун ижодкор қалбida
ўзгача бир туғён, битмас-туганмас ва чинакам
жасорат бўлиши керак. Мен унинг шеърларини
мутолаа қилиб, ўзида ҳам, ижодида ҳам чин ватан-
парварликни, фидойилиликни ҳис қилдим. Бундай
юксак шижаот-фурурни, бошқа бир шеърида ҳам
учратдим:

Оташпаст бўлган асли наслимиз,
Аждодлар сигинган олов-қуёшга.
Эл-юрга фидокор эллар аслимиз,
Ватан муҳаббатин кўтардик бошга.

Гулнорани ижодга унданган қалбida шеъриятта
бўлган чинакам меҳр, илҳом бағишлиган маёқ – бу
Ватан ва кўҳна Жайхун дарё десам муболага бўлмас.
Кўпгина шеърлари, ижоди ана шу наҳр билан ошуфта.
Гёё Жайхундаги жўшқинлик, шидлат, тўлиб-тошиб
олға интилиш – унга ўтгандай. У ўзини Амударёсиз
тасаввур қила олмайди. Ҳаёт усиз қоронғу.

Шамоллар шовуллар – келди навбаҳор,
Жайхуним мавжидан қалбларда қувонч.
Соҳилингдан тошиб оқсанг барқарор,
Халқим камолига сен мангу таянч.

Ёки:

Сен мавж уриб, тўлиб оқмасанг,
Эл-юргимнинг ризқи унарми,
Сен шовуллаб кулиб боқмасанг,
Ошиқларинг бахти куларми?!

У ўз ижодини болаликданоқ бошлаган. Мактаб ўқувчиси сифатида шеърлари туман. Қорақалпоғистон нашрларида «Тонг юлдузи» газетасида эълон қилинган. Туман радиосида ҳали 8-синфда ўқиганида сухандонлик қилган. Кейинчалик пойтахтда, Ўзбекистон Миллий университетида ўқиб, уни муваффақиятли тутатгач, Тошкентдаги бир неча газета-журналларда ишлаб, ижод сўқмоқларини босиб ўтган. Журналист сифатида шаклланиб, ўз она юртига, ҳалқига холис хизмат қилишга қайтиб келган.

1994 йилда Г.Матёқубовага матбуотимиздаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари учун «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони берилди.

Ўша тиришқоқ, нафақат республикамиизда, балки собиқ Иттифоқ ҳудудидаги журналист аҳлига таниш бўлган Гулнора Матёқубова муборак ёшларга қадам кўйиб, ўз ижодидан намуналарни китобхонларга тақдим этмоқда. Уларни мутолаа қилиб, сиз ҳам бу истеъдод эгасининг ўзига хос ижодига баҳо берасиз.

Шоира ёзганидек:

Турмуш ташвишидан фам чекай нега?!
Жайхун тўлиб оқса, офтоб нур сочса.
Юртим тинч, ҳалқим тўқ, неваларим.
Эрта тонгда келиб қучогин очса.

*Жаббор Роззоқов,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист*

ВАТАН СЕВГИСИ

Күзларимга нур берган — сенинг севгинг,
Сүзларимга дур берган — сенинг севгинг.
Умримга суур берган — сенинг севгинг.
Қалбимга ғуур берган — сенинг севгинг,
Севгинг билан баҳтиёрман Ватаним.
Гүзәл орзу-армонимни — сен бердинг.
Куч-қувватим, дармонимни — сен бердинг,
Қалбдаги илхомимни — сен бердинг,
Баҳтли яшаш имконимни — сен бердинг,
Мангу сендан миннатдорман — Ватаним.



ИСТИҚЛОЛ ҚАСИДАСИ

О, Ватаним!
Кутлуг байрам арафасида,
Меҳримдан бир гулдаста тутдим.
Истиқлолга ёзиб қасида,
Бундай баҳтни бир умр кутдим.

Ҳар зафаринг кўрган чоғимда,
Фуруримдан ўзни унудим.
Ўзбекистон отлиғ боғимда,
Истиқлолнинг мевасин тутдим.

Бош эгади қизгинанг бу он,
Бош эгдику олдингда жаҳон.
Доно йўлга бошлигач сарбон,
Инқирозга бўлолдинг қалқон.

Менку кимман?! Юлдуз, ой қуёш,
Заминингга меҳрин сочади.
Заковатга бера олмай дош,
Коинот ҳам сирин очади.

Сен-ку ахир азиз Ватаним,
Даҳоларнинг олтин бешиги.
Дўстлар учун аямас жонин,
Халқлар дўстлигининг эшиги.

Дилни кўкка чорлар шукуҳи,
Мангу сенда қолсин ИСТИҚЛОЛ
Розидирки аждодлар руҳи,
Йилдан-йилга сенга ёр иқбол.

Тўйхонаага айландинг ВАТАН
Ушбу шеърим тўёнам бўлсин.
Ютуқларинг дунё олиб тан,
Оlam мангу ҳайратга тўлсин.

АМУ СОФИНЧИ

Аму! Амугинам! Эй она дарём!
Шунча қудратлими сенинг соғинчинг?!
Қалбимнинг ардоғи, дугона дарём,
Сендан йироқлашиб, йўқотдим тинчим...

Сўлим соҳилингга учсам дер қалбим,
Сермавж тўлқинларни кучсам дер қалбим.
Онам сути каби жонбахш сувингдан,
Ташналигим қониб ичсам дер қалбим.

Софинчим оширап ўйноқ тўлқинлар,
Шўх куйлар куйчиси қувноқ тўлқинлар.
Қалбимнинг ҳарорат, илҳом манбаи,
Мисли ёшлигимдай қайноқ тўлқинлар.

* * *

Тўлқинлар!...
Тўлқинлар-ла қуриб тонгтача суҳбат,
Сенга сирларимдан сўйлагим келар...
Ўзга шоирларга бермайин навбат,
Умрим бўйи мадҳинг куйлагим келар.
Аму! Амугинам!...
Шунча қудратлими сенинг соғинчинг?...
Софинчинг бир зум ҳам бермайди тинчим...



СИРДОШ ДАРЁ

Жайхунгинам шодлик-ғамимни,
Айтмасам ҳам англарсан ўзинг.
Пинҳон орзу-асрорларимни,
Элга ёймай тингларсан ўзинг.

Ҳадсиз қувонч, ором оламан,
Мавжинг қалбга оқиб кирган он.
Жўшқинлигу теранлигингдан,
Қолдириб чиқ, қалбда онажон!

Тўлқинларинг қўшиқлар куйлаб,
Менга қўшиқ дунёсин очди.
Шундан буён қониқиш билмас,
Бу қалбимдан ҳаловат қочди.

Бир телба ишқ, бир жуфт қоракўз,
Соҳилингдан отди олисга.
Қайдим яна беролмайин тўз,
Софинч отлиқ ул ёниқ ҳисга...

Соҳилингнинг бир кафт гардини
Кўзларимга тўтиё айлай.
Ташналигу соғинч дардини,
Ўзга сувлар босмаса найлай?



КҮЙЛАНГ ВИСОЛДАН

Бағринга ол, қучоқла Жайхұн,
Эркалашсин мени түлқинлар!
Хижрон тифи айламиш дилхұн
Юрагимга малҳамсиз Сизлар!

О, түлқинлар, эрка түлқинлар!
Менинг мунис дугоналарим.
Олислардан соғиниб келсам,
Атрофимда парвоналарим.

Бұсаларга күмінгү обдон,
Эрқалангиз, мени эрқаланг.
Құшиғингиз соғиндім жондан,
Бу гал фақат висолдан күйланг!

Күйланг, дилкаш құшиғингиздан,
Юраккинам бир лаззат олсин!
Күйланг! Жонбаҳш құшиғингиздан,
Дилдан ҳижрон тамом йүқолсин.

Олисларда кечди қунларим,
Қаламимга құнмайин илҳом.
Ташна, бедор кечди тунларим,
Үзга сувдан топа олмай таъм.

Бағринга ол, қуч мени Жайхұн
Эрқалангиз мени түлқинлар,
Ажал тифи айламиш забун.
Қалбгинамта малҳамсиз Сизлар!

УЗР

Жайхун сенга бор ғалат узрим...
Түлқинингга кўп рашким келар.
Тўлқин бўлиб менинг ҳам бир зум,
Соҳилинг-ла туташгим келар.

Ранжитмасин сени бу икрор –
Балиқларга ҳам рашким келар,
Балифинг бўлиб лоақал бир бор,
Тўлқинлар-ла қувлашгим келар.

Она дарём бўлма асло ғаш –
На соҳил, на тўлқин бўлолгум.
Тўлқинингдай маъсума сирдош,
Соҳилингдай ёр бўлиб қолгум.

ТЎЛҚИНЛАРДАН СЎРА

О, эрк берма телба рашкингга!
Зарра шубҳанг бўлса ишқимга.
Рашк домида чекиб изтироб,
Кўзларимдан ахтариб жавоб.
Нигоҳинг-ла таъналар қилиб,
Унсиз дард-ла бағримни тилиб.
Ўзингни-ю мени қийнама,
Минг оҳангга солиб синама.
Телба рашкинг кўзготиб бўрон,
Иккимизни отмасдан ҳар ён.
Тўқилмасдан бегуноҳ кўз ёш,
Битмай туриб қалбимда бардош.
Қутулмоқ-чун рашкнинг домидан,
Топмоқ учун ишонч ва ором.
Нажот тилаб Амуга боргин,
“Кутқар рашқдан” дея ёлворгин.

Дил ишқингга бўлганда асир,
Илк бор унга очган эдим сир...
Аҳён келиб севгимдан сўзлаб,
Дарё кўнглин эзганларимни.
Хижронингда бир таскин излаб,
Соҳилида кезганларимни.
Ким эканин кўнгил эъзозим,
Юрагимнинг ҳар сир, ҳар розин.
Сўзлаб берсин сенга тўлқинлар
Дардларимга сирдошку улар.
Таънанг, гинанг, нидоларингга,
Рашқ қурғурнинг ғавғоларига.
Бор, Жайхундан олгайсан жавоб,
Бир жавоб-ки рашқ беролмас тоб.
Сен деб чексам нечоғлик оҳ-воҳ,
Жайхун гувоҳ, тўлқинлар гувоҳ.
Муҳаббатга садоқатимни,
Айтсин рашкинг қазганида чоҳ.

МУҲАББАТ

О, Муҳаббат!
Қойилман сенга қойил!
Мағрур қалбим торта олдинг доминга,
Борлиғимни қилиб ўзингга мойил.
Ҳатто меҳр уйфота олдинг номингга...

Эрким олиб айтганингга кўндиридинг,
Бўйсундиридинг қалбимни, иродамни.
Дилдаги бор мағрурлигим сўндиридинг,
Ўйимда қолдиридинг танҳо одамни.

У танҳо, у ёлғиз менинг қалбимда,
Гўё ўзи оламдаги энг гўзал.
Исми эрксиз такрорланур лабимда,
Уни ўйлаш менга ҳар ишдан афзал.

Қалбимда сезаман нотаниш түйғу.
Ү тамом ўзгача, чанқоқ, бетоқат,
Тұнлари күзимга бермаган уйқу,
Сенсан-ку муҳаббат, қылсанг-чи шафқат!
О, муҳаббат! Қойилман
Сенга қойил!...

ЁНИНГДАМАН

Узоқда деб қымла тасаввур,
Йүқ! Мен сенинг ёнингдадурман.
Қачон, қайда юрма барибир,
Хәётиңгни ёритган нурман.

Қылған ҳар бир гүзал ишиңгни,
Шодлик билан кузатаман мен.
Номуносиб ҳар қымлишиңгни,
Нигоҳимла тузатаман мен.

Күз олдингдан нари кетмасман,
Мен ҳамиша ёнингдадирман.
Сендан асло олисдамасман,
Мен ҳамиша ёдингдадурман.

То тирикман бўлиб ёнма-ён,
Юрагингта бергум ҳарорат.
Ҳамнафасман, ҳамдардман ҳар он,
Мушкул онда бўлолгум сабот.

Олисда деб қымла тасаввур,
Мен ҳамиша ёнингдадурман.
Қачон, қайда юрма барибир,
Умринг йўлин ёритган нурман.

ТҮМАРИС НАСЛИ

Киндик қоним томиб ўсган қутлуғ тупроқда,
Эзгу иш-ла донг таратдым, күзғотмадим чанг.
Юрт шаънига дөғ тушириб яшаганларга,
Майдон ичра ошкор туриб эълон қилдим жанг.

Жанглар оғир, жанг дегани бўлмас қурбонсиз,
Лек жанглардан ғолиб чиқмоқ меросдир менга.
Эзгу ишлар ҳеч замонда бўлганми шонсиз?
Шундай экан бу жангларда енгилай нега?

Мард ва жасур Тўмариснинг наслиман,
Ватанимга офтоб қилай меҳримни.
Юртим, тупроғингга чанг солганларга,
Тўмарисдай кўрсатурман қаҳримни.

Жанглар оғир, жанглар ахир қурбонсиз бўлмас.
Лек жанглардан ғолиб чиқмоқ меросдир менга,
Юрт ишқида менинг буюк момокалоним,
Мард Тўмарис ғаним кўзин тўлдириди қонга.

О, Тўмарис! Менинг буюк момокалоним,
Ватан меҳри афсона қилди отинг.
Сен мардлик-ла ёвларнинг бердинг додин,
Авлодларга ибрат бўлди саботинг.

Улар асло қилич тутиб чиқмагайлар майдонга,
Ҳалол жангда ғолиб чиқиб беланмагайлар шонга.
Улар пинҳон йўлларнингта чоҳлар қазарлар,
Улар пинҳон устгинангдан тұхмат ёзарлар.

Бу курашда менга мадад руҳинг қасоскор,
То тирикман қалбимга жо Ватаним меҳри.
Шундай экан ғанимларга бўлмас омад ёр,
Разилларни мағлуб этар муҳаббат сехри.

МАФТУН ҚАРАШ

Куйчи йигит, мафтун бўлиб мунча боқмагин,
Бу қарашинг билсанг солур қалбимга жафо.
Илтижола боқиб юрак-бағрим ёқмагин,
Сен бокқанда эсга тушар ёрим бевафо.
Куйчи йигит ўтинаман бундай боқмагин!

Дардингдан ўртандайман, ёт қалбимга ҳижронинг,
Лек биламан ҳажримда доим ўртангай жонинг.
Эзгу бир хотиранг йўқ қалбимда, баҳоримда,
Бахтсизлигинг боиси менмас нопок виждонинг.

Фам-аламинг, ситамингни кўрмоқ эмас тилагим,
Бир томчи кўз ёшчалик ҳам йўқдир билсанг керагинг.
Ўзингмас – аксинг ҳам йўқ қалбимда, баҳоримда,
Мангү менчун бегона-ю ётдир билсанг юрагинг!

ДЎСТЛАРИМГА

Кўнглим осмонида булутлар бугун,
Дўстлар ҳузуримга шошилинг.
Ҳамдам сұхбатингиз билан,
Булутлар бағрини чок қилинг.

Кўнглим осмонида нурли кун бугун,
Дўстлар ҳузуримга шошилинг.
Оғир дамлар доим ҳамдард эдингиз,
Бугун баҳтимдан ҳам баҳраманд бўлинг.

ТҮРТЛИКЛАР

Хаётта энг зарур озиқ ҳаводир,
Гулга қарға эмас, булбул раводир.
Кимки соф севгининг қадрин билмаса,
Ул кимсанинг тақдири бенаводир.

Сен – бу мен-чун ўлмас хотира,
Хотира-ки ўчмагай сира.
Унутмасман токи тирикман,
Ишқинг мангу юрагимга жо!

Анча бўлди – ҳолинг ғоят кулгули,
Юрагида дарди зўрга ўхшайсан.
Хаёлпарастликнинг бўлибсан қули,
Ҳассасин йўқотган кўрга ўхшайсан.

Дўстларим! Ҳар дойим сизни қўмсайман,
Мусибат онлари бўлиб ёнма-ён.
Юкингизга елка тутмоқ истайман,
Фамни аритмоққа излайман имкон.

Дўстларим! Ҳар дойим сизни излайман,
Чунки баҳту қувонч сизсиз қоронғу.
Дўстсиз татирмиди кўнгилга қувонч,
Бахт юлдузи дўстсиз сочарми ёғду?

Нечун кетдинг ахир куйдириб,
Элдан-юртдан пинҳон суйдириб.
Қасосмиди мағрурлигимга,
Кетарингда ишқинг туйдириб
Нечун кетдинг!?

Сени эслаганда дил уйим обод,
Фамнинг уйи дарҳол бўлади барбод.
Мехримга йўғириб эслайман сени,
Бироқ лаҳза йўқ-ки сени этмай ёд.


Отам аждодидир ул “Бола бахши”
Бола чоғиданоқ бўп ҳаёт нақши.
Тўғри айтиб ўтган доноларимиз,
Яхши инсонлардан туғилар яхши.

ҲАЁДАНМИ, Ё ҲАЯЖОНДАН?!

Билолмадим нима сеҳринг бор,
Ё қалбингда менга меҳринг бор.
Нечун сени кўрганим ондан,
Икки юзим ол бўламан.
Ҳаёданми ё ҳаяжондан?!

Ерга қадаб икки қўзимни,
Топа олмай айтар сўзимни.
Гўё олов қоплаб ҳар ёндан,
Қаршингда беҳол бўламан.
Ҳаёданми ё ҳаяжондан?!

Кутсам ҳамки интиқ ва муштоқ,
Вужудимда уйғониб титроқ.
Кўзларингга қўзим тушган чоқ,
Адл қаддим дол бўламан.
Ҳаёданми, ё ҳаяжондан?!



ЭРК ҚИЗИМАН

Мен эрк қизидирман – Ватан қизиман,
Жайхун осмонининг умид юлдузи.
Мен эрк қизидирман, менга бу эркни,
Ватаним бергандир умримнинг кўрки.

ОЛОВ БОРМИ

Нигоҳингни учрата олмай,
Баъзан жоним бўламан хуноб.
Бироқ ногоҳ учратиб қолсам,
Қарашингта беролмайман тоб...

Вужудимдан уйғониб титроқ,
Киприкларим йўналар ерга.
Қалбда тотли туйфулар бироқ,
Ўзим ботиб кетаман терга...

Боқишлиаринг ўтли мунча ҳам,
Вужудимни ёндирап лов-лов.
Тўғрисини ўзинг айт эркам,
Кўзларингда бормикин олов?!



АРМОН

Ох! Кеч билдим дардсиз орсиз кесак экан юрагинг,
Шунда ҳамки ситамингни күрмоқ эмас тилагим.
Күз ёшим ҳам дардим бироз енгиллатар-ку,
Күз ёшимча бўлолмасанг борми зарра керагинг?!

Орзуларим, қувончларим сенга бахш этдим,
Саодат деб билдим ишқа фидокорликни.
Сен машъум бадмастлик йўлидан кетдинг,
Ўзинг қисмат этдинг пастлик, хорликни.

Гул фаслимга қировларни қўндириб ногоҳ,
Меҳринг билан қалбим музин эритолмадинг.
Армонлару дардларимдан этдим ҳам огоҳ,
Бадмаст бўлиб армонларим арита олмадинг.

Фарзандлару ҳаётнинг бор ташвишин юклаб,
Меҳринг билан қалбим музин эритолмадинг.
Ҳар не қилсанг кўп эмасди фидолигимга,
Мардлик билан кўнглим уйин ёритолмадинг.

Ох, кеч билдим дардсиз, орсиз кесак экан юрагинг,
Шунда ҳамки ситамингни күрмоқ эмас тилагим.
Күз ёшим ҳам дардим бироз енгиллатарку,
Күз ёшимча бўлолмасанг борми сира керагинг?!



Тирик эди — рақиба эдик,
Қисмат боис бұлдик тақдирдош.
Бизни рақиб айламиш жондан,
Қолгани шу совуқ мармартош.

О, мармартош, қора мармартош
Ялдодан ҳам қорами бағринг!
Инграёттан сенга қўйиб бош,
Аёлдай минг порами бағринг?

Бу қадар беунсан, бунчалар лоқайд,
Нечун шунча дардан эриб кетмадинг.
Аёл қаҳримидинг тошга айланган
Нечун шунча оҳдан қуйиб битмадинг!?
Мармартош!...

Тошданмиди қўксимда бардош,
Бурч амрига итоат қилди.
Қўксинг узра эгилмаган мағрур бош,
Қабринг тошларига эгилди.
Юрагимга дард бўб чўккан қонли ёш
Пинҳона шу совуқ тошга тўкилди.



КУЛМОҚҚА ШОШИЛМА

Фанимим! Кулмагил бунчалар мағрур,
Менсимай гердайиб құлма ҳаракат.
Беўрин кулгунгни бир пас қўя тур,
Бу кибринг қалбимда уйғотар нафрат...

Камтар бўл қулмагил сенга маслаҳат...
Кибрингми билмадим ёринг бездирган.
Сени тарк этгандир ёрингнинг қалби,
Қўйнингдаги унинг жисмидир фақат.

КЕЛИНЧАК

(Укам Рустамнинг тўйига)

Тўй тўрида ял-ял ёниб, тўлин ойдай товланиб,
Бир ажойиб ибо билан ўлтирибди келинчак.
Тўйдагилар кўнглин нурга тўлдирибди келинчак,
Келинимиз ой жамоли баҳсга чорлар ҳилолни
Ё раб укам ёр айламиш шу юзлари олни,
Малоҳатда ой билан баҳс бойладингми келинчак.
Укам ишқин юрагингга жойладингми келинчак?!
Гул умрингга ҳамдамликка сен ё раб.
Йигитларнинг Рустамини сайладингми келинчак?
Ул иболи юлдуз кўзлар
Ишқдан достон сўзлаб турсин,
Куёв кўнгли ишқ-вафони.
Кўзларингдан излаб юрсин,
Тилагим шу: уйимизга келин эмас қиз бўлгин.
Укажоним баҳт кўкида сўнмагай юлдуз бўлгин,
Онажоним кўзларига кулған ой бўл келинчак.
Фарзандлару баҳт-иқболга жуда бой бўл келинчак!

КҮЗЛАР

Ул иболи юлдуз күзлар,
Ишқдан достон сүзлаб турар.
Куёв күнгли бахтдан сармаст,
Тақдирлар-у қалблар пайваст.
Нигоҳларинг садоқатдан сүзлар бугун,
Дил бахтини ошкор айлар күзлар бугун.

НОН

Олис йўлга отланар бўлсам,
Йўл гаштидан сууррга тўлсам
“Бўлсин дея йўлинг бехатар”
Онахоним ёпар эдинг нон.

Отланганим энг мушкул сафар,
Топгин дея бу йўлда зафар.
Бўлсин дея йўлинг бехатар,
Нон ёпиб бер менга онахон.

Онам дейди борган ўйингда
Нондай азиз бўлгин қизгинам.
Тилгинангдан боллар томсину,
Сўзга хасис бўлгин қизгинам!

Дуом шу-ки қутлуғ қадам бўл,
Қизим мудом баҳтинг очилсин.
Момо Ҳаво доим қўлласин,
Йўлларингга гуллар сочилсин!



НИЛУФАРГА

Киз фарзанд бермади оллоҳим менга,
Сени қизим дедим сидқу дилимдан.
Қизлар ҳам бўлар-ку онага лоқайд,
Мехрибон қиз бўлиш келсин қўлингдан.

Онажон, тинч ётинг энди қизим бор,
Менга таянч бўлар умрим кузида.
Мехрин дариф тутмас қисмат бўлса ёр,
Илдизим қуритмай қолар изимда.

Нилуфар қизгинам, сизларни
Онамнинг арвоҳи қўлласин.
Музаффарла бахти бўлинг илойим,
Кўнглингизни эзгуликка йўлласин!



ИЛТИЖО

Үзганинг фарзандин ўз қизим демок,
Кўкнори ҳаёлидай рўё мастиликми.
“Қизим” деганни ҳам ёлғиз қолдирмоқ,
Меҳрисиз қалбми ё тубан-пастликми?

Бўлмагур оғриқлар, мени тарк этинг,
Сурурсиз нигоҳ-ла боқай ҳаётга
Оллоҳ берган қисматимга тан бериб,
Кизим деб суюнмай бегона, ётга...

Доим мадад бердинг оғир дамларда.
Тангрим шижаат бер, бер дардга түзим.
Фанимлар кўрмасин бошим ғамларда,
Сира сўндиримагин толе юлдузим!

Үзинг мәхринг дары тутма оллоҳим,
Не бўпти?! Бўлмаса бўлмапти қизим.
Муҳтож қилмай на ўйилга, на қизга
Мангу порлаб турсин толе юлдузим!

三

ОХ!... Толиқдим бу ҳаётнинг гирдблару
үпқонларидан,
Кутмаганда ортдан урган зарбаларидан.
Йўлларингга пинҳон қўйган қопқонлари-ю,
Қулашингни пойлаб юрган шарпаларидан.



ИНСОН БҮЛ

Набирам Комилбекка

Комил ИНСОН бўлгин дея ном қўйдик,
Ўсиб-улгай, ўз номингни оқлагин.
Фазилату илму дониш, шухрат бўлсин қисматинг,
Бадмастлигу кайфу сафо сари қиё боқмагин.
Ота-онанг, қариндошлар кўрайлик камолингни,
Оиламиз шаънин асраб, уни чулғагин шонга.
Тилакларим ёритсин умринг йўлин,
Эзгуликлар берсин лойиқ инсонга,
Наслимизнинг номин ўғлим чулғагин шонга!

ҲИЖРОН ДОҒЛАРИ

Қора қилмишларин оқламоқ бўлиб,
Ўзларин гуноҳдан покламоқ бўлиб.
Виждон азобидан сақланмоқ бўлиб,
Одамлар дейишар: “Ойда ҳам доғ бор”

Оlamning гардишин ёритган ҳилол,
Шаънингга бу таъбир келмасми малол?
Одамлар! Ойдаги қора доғлармас,
У ҳижрон доғлари — муқаддас доғлар.



ПАХТАКОР ҚИЗГА

Ана пахтакор қиз – менинг фахру сурорим,
Мехрин қүшиб ғұзасига тараётир сув.
Фұзаларга парвоналикда
Офтоб билан баҳс бойлаган у,
Фұзалар жисміга сингаётган сув,
Ором бағишлиайди унинг жонига.
Чарчоқ, толиқишиң тан олмагай у,
Пахта ишқи ёрдир қонига.
Қүёш бүсасидан юзлар олуранг,
Шарафли касбидан ғуури дилда.
Файрат – шижаатдан асаблар таранг,
Оппоқ хирмонларнинг сурори дилда.

Дугонам, нурдай оқ қалбингни,
Қувонсин тоғдай оқ хирмонлар,
Зафарлар келтирсін олтин куз.
Шодлигинг барқ урсын уммондай.

ПИЛЛАКОР ДУГОНАМГА

Пиллакор дугонам келгин бағримга,
Маржон тер самари – баҳтинг құтлайин.
Бугун құзларингда порлаб турған баҳт,
Атлас күйлагимдай ёрқин ва майин.

Күзим қувонтирган недир пиллангми?
Ё онам сочидан таралмиш зиё!?
Мунису мунааввар аёл қалбининг,
Оқликка, покликка меҳрими бу ё!

Мавж урган оқ уммон недир пиллангми?
Заҳматкаш ўзбегим меҳнати, шаҳди.
Сени бу зафарга йўналтирган куч,
Элингни ипакка чулғамоқ аҳди.

Ипак курти янглиғ фидойи элмиз,
Оқ пахта, оқ пилла ризқу рўзимиз.
Мехру муҳаббатда биз мисли селмиз,
Фарзандлар баҳтига муштоқ кўзимиз.

ҚИЗИЛҚУМ МАДҲИ

Кўз қувончим қайноқ Қизилқум,
Эй қуёшнинг ардоғи-маскан!
Бир ҳислатинг бўлмаса балким,
Ҳароратга бўлмасдинг ватан!

Ҳароратинг, ҳадсиз кенгликлар,
Қалбим тинмай чорлаб туради.
Гоҳ кетсан ҳам совуқ юртларга,
Ҳовринг жисмим ўраб юради.

О, кумликлар – чексиз кенгликлар,
Кенгликларинг қучар кўзларим.
Сукунату тинчлигинг бузган,
Қизгинангнинг соғинч сўзлари.

Тор феъллардан сиқилса қўнгил,
Кенгликларинг қўмсаб қоламан.
Муз қалблардан жунжикканда дил,
Тафтгинангдан ором оламан.

Ҳароратинг дилга тафт берар
Кенгликларинг қўзларимга нур.
О, юртимнинг олтин қумлари,
Сиздан олгум илҳому сурур.



Вужудимни зирқиратса санчик, оғриқлар,
Сенинг олтин зарраларинг дардимни олар.
Умидсизлик, қора зулмат дилга чўкканда,
Сенинг меҳринг юрагимга ёруғлик солар.

Дарманд онлар онам янглиғ олиб бағрингта,
Күмларингта кўмиламан дардим аритар.
Гар адашсам отам янглиғ тутиб қўлимдан,
Эзгу ишга бошлиб доим йўлим ёритар.

НАСИҲАТ

Кўзларимда ёш-у дилимда алам,
Қалбим илҳомимдан сўрайди наҳот.
Ўқинчлар тутқазиб қўлимга қалам,
Тангрим яна сендан сўрайман сабот.

Қайғу булатлари солмоқда соя,
Наҳот умидларим айласангиз пуч.
Сиз ҳам бўлмасангиз тиргак, ҳимоя,
Унда яшаш учун қайдан топай куч!?

Афсуслар кўнглимга солиб турар чўғ,
Умрингизга ёр бўлмаса орият.
Тирик юришга ҳам иштиёқим йўқ,
ИНСОН бўлинг, шунда онанг кўнгли тўқ.

Она сутин оқлаш – зиммангизда бурч,
Юксак тутинг уйнинг, юртнинг шаънни.
Йигит номин поклаш – зиммангизда бурч,
Севган каби инсон ўз Ватанини.

ҚОР

Қор ёғмоқда, паға-паға оппоқ қор,
Сени интиқ кутдик, эй оқлик рамзи.
Қалбаги зулматни қувлаб устивор,
Үзинг айла доим қувончларга ёр.

Оқ лиbos кийдингми она заминим,
Оқлигингдан бергин умрим, орзумга.
Ҳаёллар кўнглимга бермайди тиним,
Сен боис тарк этса уни бир зумга.

Офтоб чиқса ҳам-ки ёғиб турап қор,
Қалбимдан зулматни аритсанг кошки.
Оппоқ зарраларинг қолдирмай губор,
Қалбим музларини эритсанг кошки.

О, само! Эмизаяпсанми ё она заминим,
Она сути янглиғ қор ранги ҳам оқ.
Сен ерни тўйдирсанг ёғиб бетиним,
Фарзандлар тақдири тўкину порлоқ.

Само! Дариф тутма саҳоватингни,
Тўлиб-тошиб оқсин Жайхуним мангу!
Кўриб қувонайлик маҳоватингни
Юртимда ўчмасин алла оҳангги...



МАНМАНЛИК

Инсоннинг энг разил ғаними бордир,
Ул тўйғу манманлик дарди бедаво.
Ўзлигингни топмоқ мушкул кечадир,
Қалбинг макон этса ул кибру ҳаво.

Бу дарга енгилсанг дўстлар тарқ этар,
Ёру биродардан айлар мосуво.
Барча эзгуликлар йўқликка кетар,
Чехрангни тарқ этар одобу ибо.

БАХТ

Оlamда энг бахтли инсонлар кимдир?
Фарзандин камолин кўрган оналар.
Эзгу ишларига йўллааб ва қўллааб,
Тарбия илмida ақли донолар.

Энг бахтли фарзандлар кимлар десангиз,
Онасин бахтиёр қилганлар дердим.
Ота-она кўнглин тоғдай ўстириб,
Разолат бағрини тилганлар дердим.

ОНАМГА

Онажон! Ўн йил бўлди кетганингизга,
Айрилиқ қалбимни ёқар мисли чўғ.
Ўн йил-ки бошимга, соябон бўлиб,
Қошларин чимириб тергагувчим йўқ.

Сафарга отлансан дуолар қилиб,
Йўлимга кўз тикиб ўтирадингиз.
Софинчнинг зўридан ўзни унутиб,
Не-не эркалигим кўтараардингиз.

Наврұз айёмида бизни тарқ этиб,
Ёш түкиб қузатди сизни баҳор ҳам.
Жайхун ҳам мавж урди, балки ғам ютиб,
Саҳролар ҳам ғамим күришди баҳам.

Қирқ йил маърифатта айлаб жон фидо,
Халқим фарзандига бердингиз таълим.
Ҳамон ҳурматингиз эл айлар бажо,
Дейишар: “Онангиз бизнинг муаллим”.

Сиз қалам тутқизган шогирдлар аро,
Ватанга фидойи посбонлар кўпдир.
Боғбону пахтакор, косиб, шуаро,
Халқни олға бошлар сарбонлар кўпдир.

ТИЛАК

Набирам Акбарга

Сенга Акбар дея исм қўйган чоғ,
Буюклар руҳидан тиладим мадад.
Бахтингу иқболинг бўлсин беадоғ,
Шукроналар айтдим ҳаққа беадад.

Доим юксакларга интилиб яша,
Илму маърифатга бўл доим ташна.
Номинг яшаб қолсин асрлар оша,
Баҳор гулларида очилиб яшна!

Исминг монанд бўлсин жисмингга доим,
Қизилқуму Жайхун меҳри қўлласин.
Бугун йигит бўлдинг, Эр бўл илоҳим,
Мардликка Широқлар руҳи йўлласин!

ЖАҲОНГИРГА

Буюк аждодларинг Жаҳонгир бўлган,
Амир Темур, Бобур, Хумоюн, Ақбар.
Сен илм мулкининг Жаҳонгири бўл,
Сабру бардош, омад мангу бўлсин ёр!

Буюклар умрини тиладим сенга,
Эзгу ишлар бўлсин доим ҳамроҳинг.
Биби Марям баҳтин баҳш этгин менга,
Асло эшитмайин ўқинчинг оҳинг.

ИЛТИЖО

О, қалбимнинг қувончлари қайга кетдингиз?
Бугун билмам қайси қалбни Ватан этдингиз.
Навбат билан келасизми бўлмаса нечун,
Вужудимни фурбатларга ташлаб кетдингиз.

Нечун ахир ошно қалбни сиз тарқ этдингиз,
Қайтинг абад қувончларим, баҳтли кунларим.
Умидсизлик уммонига не гарқ этдингиз?
Қайдасиз сиз баҳтдан масрур висол тунларим.

Ё сизларга баҳилларнинг кўзи тегдими?
Саодатдан сармаст ўтган баҳтли кунларим,
Етиб борсин менинг сизга муштоқ унларим.
Қайтинг яна қувончларим — нурли кунларим,

Синамоқчи бўлдингизми иродамни ё?
Миннатдорлик ҳиссин дилга қилмадимми жо?
Қалбим асло тарқ этмангиз айлай илтижо
Қайтинг, оллоҳ шукронасин айлайнин бажо.

ШУКРОНА

Мен бу йил пайғамбар ёшита етдим,
Бу ёш муборакдир, бу ёш муқаддас.
Энди умидсизлик ҳиссин тарк этдим,
Офтоб олам узра нур сочса шу бас.

Беҳисоб шукрона оллоҳим сенга,
Фарзандлар камолин кўрсатдинг менга.
Эл-юрт эҳтироми, ўғиллар меҳри,
Кексалик жамолин кўрсатдинг менга.

Турмуш ташвишидан ғам чекай нега?!
Жайхун тўлиб оқса, офтоб нур сочса.
Юртим тинч, халқим тўқ, невараларим,
Эрта тонгда келиб қучогин очса.

Турмуш ташвишидан ғам чекай нега?
Шогирдлар бош эгиб айлар эҳтиром.
Бундайин тақдирга қўпларми эга?
Авлодларга қолар мен ёзган калом.

Эй кўнгил! Дардларни тарк этгил энди,
Беадад шукрона бўлсин сенда жам.
Қизилқум қумлари бағрига босиб,
Дунё бор бор бўлсин Жайхуним онам



МАНГИТЛИКЛАР

Биз ўзбекнинг Мангит уруғи,
Жайхун фарзанд айлаган элмиз.
Жўшқинликни дилларга жойлаб,
Фидойилик бизнинг йўлими.

Қизилқум бағрини ВАТАН айлаган,
Ватанга садоқат аждоддан мерос.
Афсонавий Широқ бобомиз бизнинг,
Аёллар мард бўлар Тўмарисга хос.

ИЗҲОР

Она дарём! Сувларингда чўмилдим,
Ёниқ меҳрим сувларингда қолсин деб.
Оташ нафас қумларингга кўмилдим,
Баданимдан оғриқларни олсин деб.

Бағрингга бос, алала, ўпгин,
Бўсаларинг соғиндим жондан.
Халқимнинг ҳам онасисан сен,
Сенга ишқим ўтгандир қондан.

СИРДОШ

Амугинам! Дил дардига сени сирдош айладим,
Асроримга ёр бўлмоққа ёлғиз сени сайладим.
Ким қалбимнинг армони-ю, кимдир унинг соҳиби,
Ўзлигimu ҳижрон дардин фақат сенга жойладим.

Кўз ёшларим, дардларимни ганимларим кўрмади,
Муштоқ онлар ёр ҳам ҳатто аҳволимни сўрмади.
Ёр қалб кўзи ожизмиди ё чораси йўқмикин?
Қалбда қайноқ ишқим сезиб баҳтли, масрур юрмади.

ЮЛДУЗЛАР

О, юлдузлар, порлоқ юлдузлар,
Сиз самонинг кўзларимисиз?
Ерга мафтун кўзларла боқсан,
Кўкнинг дилбар қизларимисиз?

Нурларингиз порлаб, ярқираб,
Тун зулматин бағрин тилади.
Гўдакликдан зиёга чулғаб,
Умрим тунин ёруғ қиласди.

Нурларингиз тутмасдан дариг,
То тирикман йўлим ёритинг.
Ватан тунин айлангиз ёруғ,
Дил тубидан дардни аритинг.

Тотли ҳислар уйғотиб дилда,
Дилни кўкка чорлаб турасиз.
Булутларнинг бағрини тилиб,
Орзум янглиғ порлаб турасиз.

Сизга боқсам кўнглимда сурур,
Орзуларим кўкларга учар.
Нигоҳларда яшнаб турар нур,
То зиёнгиз заминни қучар.

О, юлдузлар кўнглим эъзози,
Кимса борми боқмас сизга зор.
Сизга очмас кўнгилнинг розин,
Сизга меҳрин айлабон изҳор.

Сизга мафтун ва масрур боқиб,
Кўнгил мулкин айладим равшан.
Боқсам УМИД чироғин ёқиб,
Умрим йўлин этдингиз гулшан.

ТОНГНИ ҚУТЛАБ

Тонг отмоқда ёришиб олам,
Тонгни кутлаб куйлашар қушлар.
Тонгни кутлаб қўлимда қалам,
Аҳли жонзод тонгни олқишилар.

Тун зулмати кетиб йўқликка,
Офтобга йўл берар тўлин ой.
Ерга меҳрин сочади қуёш,
Ишга тушди бутун мавжудот.

Гул-чечаклар нурга чўзиб бош,
Мафтун қалбда уйғонар ижод.
Тонг отмоқда баҳорим тонги,
Элим ризқи-буғдойлар унар.

Жаранглайди алла оҳанги,
Гул шоҳига булбуллар қўнар...

Баҳорий мавж, саҳоват ила,
Шовуллайди Жайхун тўлқини.
Тўлиб оқиб бизга ризқ йўллар,
Кириб келар баҳорнинг куни.

Муборак тонг! Кутлуғ кел доим,
Тўйлар келтир ҳар хонадонга.
Қувонч рамзи бўлиб илойим,
Мадҳинг мангуб жойлайлик жонга.



КАМТАРЛИК ТИМСОЛИ

О, мажнунтол, мажнунтол,
Камтарлика сен тимсол.
Таъзим қилиб заминга,
Мағуруларни этдинг лол.

Ўпасан онанг ерни,
Мехрингни қилиб изҳор.
Мулзам айладинг шерни,
Садоқатга бўлиб ёр.

Япроқларинг шовуллаб,
Садоқатдан сўзлайди.
Ошиқлар паноҳ, тилаб,
Сенинг соянг излайди.

Шоҳинг эгик, қаддинг дол,
Ишқ туфайли сен беҳол.
Шоирлар мафтун куйлаб,
Тилашар сенга камол.



ЖАЙХУН ДУОСИ

Бугун Жайхун эрка қизи-ю,
Ўғлонининг баҳт тўйин тўйлар.
Келинг дўстлар кутлуғ қирғоқда,
Жарангласин шод қўшиқ куйлар.

Оқ либосда соҳилга келган,
Қизинг сендан тилар фотиҳа.
Тўлқинингла сирлашиб елган,
Ошиқларга тақ баҳтдан жиға.

Тўй шавқидан тошади дарё,
Ўпмоқ учун сапчир тўлқинлар.
Кучоқлашга шошади дарё,
Икки ёшга битмас баҳт тилар.

Янги ҳаёт остонасида,
Келин-куёв дўстларла келиб.
Сендан дуо олмоғи одат,
Қайигингда сузмоқ саодат.

Кафтиңг очгин дуога Жайхун,
Баҳт тилагин бу икки ёшга.
Чақалогин қучоқлаб мамнун,
Садоқатинг кўтарсин бошга.

Тўлиб-тошиб оқиб сен мангу,
Ошиқларга бўл доим сирдош.
Кувонч келтир қалбларга янги,
Мушкул дамда бўл бизга бардош.

Сен мавж уриб, тўлиб оқмасанг,
Эл-юртимнинг ризқи унарми?
Сен шовуллаб кулиб боқмасанг,
Ошиқларинг баҳти куларми!

Сендан дуо олганда фақат,
Келин-куёв дили ёрисин.
Мангуликка қолсин бу одат,
Соҳилингда қўша қарисин!

ҚУТЛОВ

(“Чорток” санаториясининг 60 йиллигига)

О, Чорток! Тўрт тоғ меҳрин эмган оромгоҳ!
Гўзаллигинг кўриб дил топди ором.
Қалбдан дардларимни айлади табоҳ,
Она замин тутган шифо тўла жом.

Тоғ еллари қучиб кўнглимни хушлар,
Чинорлар бош эгиб беради салом.
Минг хил наволар-ла аллалар қушлар,
Атиргул ифори анқир тонгу шом.

Вужудим оғриқлар қилган эди зил,
Хуснингни кўрибоқ кўнглим ёриди.
Мусаффо ҳавонгдан масрур бўлиб дил.
Шифобаҳш сувингдан дардлар ариди.

Атиргул шоҳида булбуллар сайрап,
Сувинг оғушида тўкилар дардлар.
Шамол бўсасидан кўнгиллар яйрар,
Шифобаҳш сувингда ювилар гардлар.

Ҳамдард нигоҳтару, меҳрибон кўзлар,
Софайишга умид уйига бошлар.
Шифокор Баҳромжон минг чора излаб,
Дардларимни йўқлик қаърига ташлар.

Массажчи шифокор бор илми билан,
Белим оғриғига шапати солар.

Оғриқларга макон бўлган эди тан,
Меҳрла уқалар — оғриқ йўқолар.

Тоғлар меҳрин сувларингта қилиб жо,
Ватанимнинг беморларин даволар.
Она замин сувидан топиб шифо,
Қалбда янграп баҳтли, қувноқ наволар.

Бугун тўй: карнай у сурнайлар янграп,
Дилга кўчар тўйинг шодиёнаси.
Дардин унутади сиҳати танглар,
Ҳамманинг шодликдан масрур сийнаси.

Олтмиш ёш муборак, эй қутлуғ макон!
Олтмиш йил ҳалқимга баҳш этдинг сиҳат.
Эл деб тер тўкканлар сизга шараф-шон,
Ҳалқим даволайсиз бўлиб ҳамжиҳат.

Сенга миннатдорлик сўзларин излаб,
Қалбим бисотини айладим тит-пит.
Яна оғушингта қайтмоқни кўзлаб,
Кўнглим ният қилди: бизни яна кут...

Дардлар боис қалбда мудраган илҳом,
Тўйингнинг шавқидан уйғонди жўшиб.
Шукурким шодлигинг кўролдик баҳам,
Жайхун элин қутловини ол қўшиб.

Дунё бор, бор бўлсин шифобаҳш сувинг,
Ҳалқим дардларига бўл доим малҳам.
Хасталик ғамини диллардан ювинг,
Ором истаганга бўл мангу ҳамдам!

ЧОРЛАШ

Умримнинг энг ёрқин кунлари қайда!
Сиз қайга кетдингиз айтмай алвидо.
Висол сармаст этган тунлари қайда.
Наҳот қисмат сиздан айлади жудо!

Баҳорий Жайхундай тошқину уйноқ,
Туйғуларим беҳад соғингандир дил.
Онамнинг меҳридай оташин қайноқ,
Хисларни қайтинг деб чорлайди кўнгил.

Баҳор кириб келди Жайхун бўйига,
Сиз ҳам қалбга қайтинг суурорли онлар.
Сизсиз баҳор кирмас қалбим уйига,
Сизсиз мавж урмагай ҳис-ҳаяжонлар.

Қайтадан ҳис этай баҳор ифорин,
Кушлар қўшиғидан бўлайин масрур
Еллар олиб кетинг кўнглим озорин.
Баҳор гўзаллиги бағишла суур,

Шамоллар шовуллар — келди навбаҳор.
Жайхуним мавжидан қалбларда қувонч.
Соҳилингдан тошиб оқсанг барқарор.
Халқим камолига сен мангу таянч,



ОРОЛ

Орол! Сенинг билан кетди қувончларим ҳам.
Она заминимга түкилди шўрлар,
Жайхуну халқимга келтирдилар ғам.
Халқ деб яшамаган қалб кўзи кўрлар,

Мен Жайхунман уммонидан айрилган.
Қувончим Оролдай мени тарк этди,
Сувсизликдан қанотимиз қайрилган.
Не орзу-умидлар йўқлика кетди...

Жайхуним сен билан қовушиб яна.
Тўлиб тошганингни кўрармикинман?
Оролинг васлига етишсанг яна.
Бахтдан масур бўлиб юрармиканман!

СЕН КЕТГАЧ

Сен кетдинг қалбимни тарк этди қувонч,
Камалак рангида ҳисларим ёрқин.
Сен бирла кетдилар топа олмай таянч,
Жўшқин туйгулар ҳам мудрайди сокин.

Қуёшнинг тафтини ҳис этмай қўйдим,
Кўнглим ёрита олмас энди бу нурлар.
Ўқинчу надомат ҳиссидан тўйдим,
Қалбимга ёт энди илҳом - сурурлар.

Чилла қуёшидай куйдирар ҳижрон,
Муштоқ боқишиларинг қўмсайди кўнгил.
Софинчинг оромга бермас ҳеч имкон,
Кўзларинг меҳрини қўмсаб ўтди дил.

Мұҳаббат! Мамнунман этмасман таъна,
Севишу севилиш бахтини бердинг.
Қалбимда қолди у мұмтоз ягона,
Севгига садоқат аҳдидиң бердинг.

МЕХРИМИЗГА ЧУЛҒАБ ЭСЛАДИК

(Устозимиз Собир Юсуповнинг 90 ишлігига)

Устоз! О, азиз УСТОЗ!
Тақдир құша қувонч бахш этди бизга,
Бугун күтлүғ байрам арағасида.
Азиз хотирангиз чулғадик нурға,
Мен-чи — шаъннингизга ёздим қасида
Фахрийлар, ҳамкасблар, издош шогирдлар,
Фарзандлар, юртдошлар барча бўлиб жам.
Мехримизга чулғаб эсладик Сизни,
Миннатдорлик ҳиссин қилиб мужассам.
Туғилган қунимда бу бахти азим!
Устозлар, шогирдлар дўстлар жамоли.
Суратингиз олдида қиласиз таъзим,
Қалбим қувонтирап ёшлар камоли.
Бундан ортиқ яна қандай қувонч бор?
Шу бахтдан ортиқроқ бўларми туҳфа.
Раҳмат, эй ҳамкасблар, азиз шогирдлар,
Шогирдлик бурчини айладик бажо.
Устоз! Сизга чин юрак сўзин излаб,
Қалбим бисотини айладим тит-пит.
Салкам аср ўтиб эзгу ишиңгиз
Шогирдлар қалбидан бўлмади унут.
Үн бешта юз тутган қизалоқ эдим,
Тақдир йўлларимиз этганда туташ.
Туман радиоси суҳандони бўп
Бошлаган ишимга Сиз эдингиз бош.
Сизнинг ишончингиз ёритди йўлим,
Ишонар эдингиз ишни ўзимга.
Машхурлик йўлида тутдингиз кўлим,

Халқым тинглар эди ҳар бир сўзимни.
«Аъло»га тутатиб Дорилфунунни
Юртга қайтгач яна тулашди йўлим.
Асло ажратмайин кундуз-у тунни,
Ҳақиқат йўлида билмасдик тиним.
Бетакрор умрингиз ибратли, мумтоз,
Ҳамон эзгу йўлга чорлаб туради.
Биздан рози бўлинг о, азиз устоз
Халқим хотирангиз ёдлаб юради...

МУШТОҚЛИК

Ёлғизликдан тоқатларим тоқ.
Хижронингдан тоқатларим тоқ,
Қалблар интиқ, тақдирлар йироқ.
Севгимизнинг қисмати фироқ,
Қалб қаърида пинҳон ишқ ётар.
Хотиralар оғриқ уйғотар,
Садоқатга асир қалбимга.
Хижрон тиги ҳанжардий ботар.

НУРИЯГА

Беморликда тўйгинангта шеър сўрабсан сингилжон,
Бугун оллоҳ сени қутлуғ нияtingа етказди.
Оқ либосинг қутлуғ бўлсин, —

шеърим бўйнинг маржон,

Ишқ тангриси илҳом бериб, қўлга қалам тутқазди.
Дилда қувонч қутлай никоҳ тўйгинанг
Нурли севгинг куёвингинг юрагига жойлансин,
Құглуғ бўлсин янги уйинг, БАХТга тўлсин уйгинанг.
Умр бўйи қалбларингиз ажралмас бўп бойлансин,
Севган ёринг баҳт кўкида порлаган юлдуз бўлгин.

Қайнона-ю қайнотангта меҳри дарё қиз бўлгин,
Ишқ — муҳаббат осмонида тўлин ой бўл Нурия.

Тўй муборак опажонинг шеъри сендан айлансин!
Шеърдай азиз бўлгин ОДОБ қалбгинанга жойлансин.

Шеърдай азиз бўлгин доим шудир эзгу тилагим,
Умр йўлингда қўллаб юрсин сени илҳом париси.
Оқ фотиҳа берар сенга Бахтдан масрур юрагим,
Юрагингни тарк этмасин ёрга садоқат ҳисси.

БОҚИШЛАРИНГ

Сенинг нурли боқишиларингсиз,
Зулмат ичра қолди бу дунё.
Мехрингдан гул тақишиларингсиз,
Кўнгил уйим бўлди зим-зиё.

Ўкинчларим кимга айтайнин,
Бундай дардга ҳеч борми даво?
Қалбим бирга олиб кетдинг-ку
Кувончлардан айлаб МОСУВО.

Сенинг муштоқ боқишиларингсиз,
Музликларга айланди дунё.
Қалбимга ўт ёқишиларингсиз,
Яшаяпман, севгинг дилда жо.

ЁМФИР

Осмон дарддан йиғлар ёғмоқда ёмғир,
Неча кунки кўкнинг кўнгли ёришмас.
Ранжидингми биздан эй само не сир?
Нечун қуёш нури заминга тушмас?

Нечун юлдузлар-у ой ҳам кўринмас,
Нечун меҳрин сочмас заминга қуёш?!
Чақмоқлар ярқираб, ғазабинг тинмас,
Бу нурсиз кунларга беролмайман дош.

ОНАДАЙ МЕҲРИБОН

О, Ватаним!
Таърифингга сўз тополмайман,
Мадҳинг куйлаб асло толмайман.
Ўзга юртга қилсам ҳам сафар,
Соғинч қийнаб узоқ қолмайман.
Ҳар бир тонгни кутиб олганда,
Дуоларга очаман кафтим.
Тинч фаровон бўлиб қолгин-да,
Умримизни ёритсин тафting.

Мангу яшна Она Ватаним,
Офтоб меҳри ҳеч тарқ этмасин.
Йироқ бўлсин ёвузлик, ғаним,
Жайхун сендан нари кетмасин!

Авлод бўлиб жасур фидокор,
Аждодлари руҳин этсин шод.
Улардан ҳам бўлиб бунёдкор,
Ватан бўлсин бундан ҳам обод.



ЯНГИ ЙИЛ

Ассалом янги йил! Хуш кел умримга,
Байрамлар ичидә ўзингсан танҳо.
Умид, орзуларни чулғайсан нурга,
Совғалар, қувончлар, сурур сенда жо.

Умид булоғини тоширасан сен,
Эзгу орзумизни айлайсан бажо.
Юртимга халқимга қутлуғ кел доим,
Тинчлик олиб кел деб айлай илтижо.

Алвидо йил бобо! Сенга тасанно!
Шодликларга тұлған түй йили бўлдинг.
Тадбиркор инсонлар сендан минг ризо,
Сен она халқимга ризқ бўлиб келдинг.

Халқим! Кўз тегмасин саодатингга,
Йилдан йилга турмуш бўлсин фаровон.
Эзгу ишлар қилмоқ хур одатингга,
Янги йил келтирсин беҳисоб имкон.

Йил сайин кўпайсин зафарларимиз,
Мустаҳкам оила қалқонинг бўлсин.
Баркамол, комилу доно фарзандлар,
Дунёни лол қилиш имконинг бўлсин!



ҚҮЁШ МЕХРИ

Оташпаст бўлган асли наслимиз,
Аждодлар сифинган олов, қуёшга.
Ватанга фидойи эллар аслимиз,
Эл-юрт муҳаббатин кўтардик бошга.

Қуёшга меҳримиз туфайлимикин,
Қуёш ҳам юртимга меҳрини сочар.
Бу қутлуғ севгидан ризқимиз тўкин,
Шу ёниқ севгидан қалбимиз қайноқ.

Биз ҳам офтоб каби фидокор элмиз,
Меҳримиз сочамиз она заминга.
Меҳнат қилмоқдан ҳеч тинмас қўлимиз,
Шукронда айтамиз ҳар янги кунга.

Тасаввур қилингиз бир кун қуёшиз,
Бир кун зулмат ичра қолсак не бўлур?
Тасаввур қилинг-чи бир кун оташиз,
Жами инсоният унда не қилур?!

Нурларингдан ўргилай,
Моможоним қуёшим!
Мадҳингни куйлаб ўтай,
То тирикдир бу бошим.



ҚОР

Оқ либос кийибсан Қизилқұм бобо,
 У оппоқ кенгликтің күзларим қучар.
 Сарғадсиз гүзаллік дилга бўлиб жо,
 Бу оқлик завқидан дил кўкка учар.

Оппоқ қор! Ёғавер юртимга тақрор!
 Қишининг оқ сурори қалбимга кўчар.
 Жайхун тошиб оқсин келганда баҳор,
 Қизилқұм юртимга сочарвергин зар.

ҲАЁЛЛАР

Ҳаёллар, ҳаёллар, ҳаёллар...
 Бошлаб кетар ҳаёллар йироқ.
 Тунларимга ёқиб шамчироқ
 Ишқдан баҳтли кунларга бошлар
 Чекинсин деб қалбимдан фироқ.

ТАСАННО

Оймоможон, тўлин оймомо!
 Бугун сенга ҳадсиз тасанно.
 Қалбим зулматини ёритганингта,
 Ўкинч, азобларим аритганингга.

Сенга боқарканман мафтун маҳлиё,
 Ёлғизлик азоби йўқлиқка кетди.
 Дилга сурур бериб сен сочган зиё,
 Ул нурсиз туйғулар уни тарк этди.

КЕЧИР

Кечир мени жоним илҳом париси,
Минг бор келганингда кутиб олмадим.
Қалбни чўғдай ёқар айбдорлик ҳисси,
Не гўзал ҳисларни шеърга солмадим.

Ахир биласан-ку ўзинг азизим,
ОНА эдим, тўрт ўғилнинг онаси.
Ижод қилмоқ учун топмасдим бир зум,
Фарзанд ахир ҳаётимиз маъноси.

Умрим давомчиси ўғилларим бор,
Набирам кўзида ўзим кўраман.
Билимга ташналик қалбларига ёр,
Қалбим баҳтдан масрур бўлиб юраман.

Кечир мени, ортда қолди ул онлар,
Қалбимни тарк этма, бўл менга иқбол.
Ўстирдим Ватанга содиқ посбонлар,
Улар қалбидан ҳам мангуга жой ол.



ТҮҚЛИК РАМЗИ

Мавжларингга кўзим тушган чоғ,
Қувончларим кетади тошиб.
Сени сувсиз ва мавжсиз кўрсам,
Йўлларимдан кетгум адашиб

Ёлвораман, она табиат!
Аямагин ёмғир, қорингни.
Тингла Тангри, фақат бир муддат,
Фарзандларинг ўтинч-зорини.

Тошиб оқсин она Жайхуним,
Халқим ризқи бўлсин фаровон.
Уруғ экиб билмасдан тиним,
Кўкка етсин куздаги хирмон!

Тошқин мавжинг тўқлик рамзи-ку,
Саҳоватинг ҳеч билмас сарҳад.
Она дарём мавжинг жўш уриб,
Тошиб оқсин агадул- абад!



НИГОХЛАР

Нигоҳлар бор ипакдай майин,
Нур тараляп боқишиларидан.
Боқгим келар боқганим сайин,
Күнглим түлар ҳар ишларидан.

Нигоҳлар бор баҳил ва разил,
Жунжиктирап қалбни бу нигоҳ.
Күзим түшса сесканади дил,
Юрак урага бўлгин деб огоҳ.

ДАРЕГА

Сувларингни тошқин кўрдиму,
Тошиб кетди дилда қувончим.
Соҳилингда масрур юрдиму,
Дедим сиз-ку умрим таянчи.

Соҳилингни яланғоч кўрсам,
Юрагимдан армон аrimas.
Тўлиб-тошиб жўшқин оқмасанг.
Дардманд юргум, кўнглим ёrimas.



“ТАРАҚҚИЁТ КҮЗГУСИ”

“Амударё ҳақиқати” газетасининг янги номига бағишилов

Ҳақиқатнинг йўлида,
Умрим қилдим армуғон.
Имконсиз пайтларда ҳам,
Сен бўлдинг чексиз имкон.

Халқимнинг эзгу ишин,
Саҳифангда ёритдим.
Нопокларнинг қилмишин,
Фош қилиб мағлуб этдим.

Бугун янги либосда,
Янгича ном олибсан.
Замонага шу мос-да,
Дея ўйга толибман.

Янги номинг муборак!
Асрингга бўл ҳамқадам.
Матбуотга шу керак,
Тезкор бўлмоқ ҳар бир дам.



Илк сонингни варақлаб,
Қалбда жўш урди қувонч.
Сенга меҳримни сақлаб,
Дейман бўл элга таянч.

Фидокор юртдошларнинг,
Зафарларин мадҳ этгин.
Ёшлар тарбиясида,
Доим олдинга кетгин.

“Тараққиёт кўзгуси”
Бўл эзгулик ойнаси.
Халқим қалбин сезгувчи,
Сенда ижод қайнасин.

СОФИНЧ

О. Чорток!
Атиргул ифорли тоғлар ҳавоси,
Ҳисларимни қилган эди осуда.
Барча дардларимнинг бўлган даъвоси,
Шифобахш сувларинг соғиндим жуда.

Тонг саҳар янграган булбул навоси,
Қалбда қувончимни оширап эди.
Гўзаллигу шеърият мубталоси,
Қалбимнинг илҳоми жўш урар эди.

Ташналиқ кетарди бутунлай мутлок,
Маъданли сувингдан ичган чофимда.
Энди сени қўмсаб интиқ ва муштоқ,
Софинч ҳисси тошар кўнгил боғимда.

Оғушингга қайтмоқ истадим аммо,
Турмуш ташвишлари бермас ҳеч имкон.
Соғлигим қайтарган сувинг дилда жо,
Доимо бор бўлгин шифобахш маскан.

ЗАР ТАХТИМ

Тақдиримсан, баҳтимсан,
Эркин ва обод Ватан.
Энг юксак зар таҳтимсан,
Оlam олди буни тан.

Ёш авлод деб яшаган,
Мехри дарё онамсан.
Зафар қучиб яшнаган,
Бекиёс дурдонамсан.

Яратгувчи, бунёдкор,
Ватанпарвар халқим бор.
Мехримни этай изҳор,
Мангу бўлсин омад ёр.

Сенда туғилганимдан,
Қалбда чексиз ифтиҳор.
Фарзандим бўлганимдан,
Мадҳинг қуилайин такрор.



ДОИМ ЗАФАР ЁР

Ўзбекистон аталган хур гулшанда,
Амударё номли илғор туман бор.
Доим олдиндадир шарафу шонда,
Халқимга ҳар ишда ютуқ, зафар ёр.

Кекса Юмуртоғек камтар, фидокор,
Мехрим она ерга сочган халқим бор.
Мехнати туфайли ҳар йил зафар ёр,
Фарзандман шу боис дилда ифтиҳор.

Зафаринг қутлайин пахтакорларим,
Оппоқ уммонларинг муборак бўлсин.
Ватаним халқимга фидокорларим,
Зафаринг туфайли барака тўлсин!



ДАРЁ САЙЛИ

Бугун чиқдим дарё сайлига,
Ёз тафтидан дил эди ғамнок.
Тұлқынларинг күчсин майлига,
Қалбим бұлсин қайғулардан пок.
Салқын еллар бўсалар олиб,
Вужудимга қувонч солдилар.
Тұлқынларинг соҳилинг қолиб,
Висолимга сапчиб қолдилар.
Оғушида бўлдиму шодон,
Ёзниң қайноқ тафтин унутдим,
Қувончимга йўғириб обдон.
Жайхұнимга шу шеърни битдим:
Дарёга шошилинг одамлар!
Дилга ором соҳил ҳавоси.
Унут бўлмас дилдан ул дамлар,
Тоза ҳаво дардлар дайвоси.
Қалб қайғуга бўлганда асир,
Шошиламан дарё бўйига.
Ташвиш қалбдан кетар бу не сир?
Жўшқин қувонч келар ўйимга.
Лол қоламан табиат доим,
Уни севсанг меҳрин сочади.
Гўзалликка ошно, мулоим,
Инсонларга қучоқ очади.
Табиатни севинг одамлар!
Асранг ҳар бир гиёҳ, кўкатни.
Сувсизликдан келмасин ғамлар,
Дарё, сувга отманг аҳлатни!



АЛВИДО

Қани мафтун, муштоқ күзларинг!
Кузатгувчи ҳар бир қадамим.
Қалбим асир этган сўзларинг,
Безагувчи умрим ҳар дамин.

Боққанингда интиқ, маҳлиё,
Вужудимга тўларди суурп.
Мұхаббатинг сезардими ё,
Маҳв этарми кўзингдаги нур.

Боқсанг хижрон азобларини,
Ҳаётимдан аритар эдинг.
Висолинга зор тобларини,
Кўзларингла ёритар эдинг.

Ҳар бир бахтнинг қадрин, суурин,
Англаймизми бўлганда жудо?
Қисмат олди кўзларинг нурин,
Нурли кунлар сизга алвидо!



КУЗ

Кириб келди саҳоватли олтин куз,
Ватанимга хуш келибсан, марҳабо!
Ўз бағрига чорламоқда дала-туз
Дилга ором берар бу салқин сабо

Халқим ризқи-оқ пахтани терай деб,
Кекса-ю ёш барча шошар далага.
Она ерга озроқ меҳрим берай деб,
Пахтазорга шошдик терим паллада.

Кўзга қувонч берар лўппи чаноқлар,
Тоғдай хирмонлардан барча қалблар шод,
Офтоб бўсасидан олранг яноқлар,
Шу юксак хирмонни айлаган бунёд.

Заррин куз муборак пахтакорларим,
Фидойи меҳнатингга раҳмат, шод бўл.
Элга садоқатдан зафар ёрларим,
Юртни обод қилсанг доим обод бўл.

Тўлқинлик фасли-ку ахир олтин куз,
Барака келтирсинг ҳар хонадонга.
Зафарлар қучайлик, ёруғ бўлсин юз,
Ҳар бир пахтакорни белагин шонга.



ЭРКАКЛАРГА

Аёл қалби кенг уммон,
Асранг уни фийбатдан.
Севгингиз бўлсин қалқон,
Рашқ отли мусибатдан.

Севсангиз уни дилдан,
Ишқни пинҳон айламанг.
Ҳадялар қилиб гулдан,
Рашкни дилга жойламанг.

Ишонч, вафо, садоқат,
Оила учун таянч.
Ишончсизлик – зўр офат,
Бундай қалб ҳоли аянч.

Аёл қалби пок, ҳассос,
Фидойилиқда танҳо.
Қалбига бўлиб ҳамроз,
Бурчингиз айланг адо.

Нетай ахир бу қисмат,
Умримиз қилди туташ.
Ҳижрон отли мусибат,
Үртади мисли оташ.

Рашқинг тифи қалбимни,
Айлади минг бора хун.
Ҳижронга ташлаб уни,
Кўз ёшим қилдинг Жайхун.

ЭНДИ КЕЧ

Шунга золиммингдинг, лоқайд, бағритош,
Бу фироқ, ўтига ташладинг, кетдинг.
Келма! Бу зулмингга беролмайман дош,
Ўзинг садоқатли қалбни тарк этдинг.

Энди қайтмоқ нечун? Энди жуда кеч,
Шунча йиллар сўрамадинг ахволим.
Энди тинчимга қўй! Изламагин ҳеч
Юзингни кўрмоққа етмайди холим.



ҚИЗИЛҚУМ ОҒУШИ

Баъзан оғриқ дардидан,
Танам чекса изтироб.
Қизилқумнинг гардидан,
Дард кетар беролмай тоб.

О, Ватаним қумлари!
Бағрингга келдим қучгин.
Саҳоватинг, меҳрингдан,
Оғриқ танамдан кўчсин.

Ҳаёт зарбаларидан,
Айрилсам эс-хушумдан.
Тўйиб кетсам баридан,
Тузалдим оғушингдан.



МУНДАРИЖА

Ижодга баҳшида умр	3	Илтижо	32
Ватан севгиси	6	Шукронда	33
Истиқтол қасидаси	7	Манғитлиқлар	34
Аму соғинчи	8	Изҳор	34
«Тұлқындар!...»	8	Сирдош	34
Сирдош дарё	9	Юлдузлар	35
Күйланг висолдан	10	Тонгни күтлаб	36
Узр	11	Камтарлық тимсоли	37
Тұлқынлардан сұра	11	Жайхұн дуоси	38
Мұхаббат	12	Күтлов	39
Ёнингдаман	13	Чорлаш	41
Тұмарис насли	14	Орол	42
Мафтун қарааш	15	Сен кетгач	42
Дүстларимга	15	Мехримизга чулғаб әсладик	43
Тұртларлар	16	Муштоқлик	44
Хәйданми, ё ҳаяждандан?! ..	17	Нурияга	44
Эрк қызиман	18	Боқишиларинг	45
Олов борми	18	Ёмғир	45
Армон	19	Онадай меҳрибон	46
«Тирик эди...»	20	Яңги йил	47
Күлмоққа шошилма	21	Күёш меҳри	48
Келинчак	21	Кор	49
Күзлар	22	Хәйлар	49
Нон	22	Тасанно	49
Нилюфарға	23	Кечир	50
Илтижо	24	Тұқылған рамзи	51
«Ох!.. Толиқдым...»	24	Нигоҳлар	52
Инсон бўл	25	Дарёға	52
Ҳижрон доғлари	25	«Тараққиёт кўзгуси»	53
Пахтакор қызға	26	Софинч	54
Пиллакор дугонамга	26	Зар таҳтим	55
Қизилқум мадҳи	27	Доим зафар ёр	56
«Вужудимни зирқиратса...» ..	28	Дарё сайли	57
Насиҳат	28	Алвидо	58
Кор	29	Куз	59
Манманлик	30	Эрқакларга	60
Баҳт	30	Энди кеч	61
Онамга	30	Қизилқум оғуши	62
Тилак	31		
Жаҳонгирға	32		

84(5Ў)7 Матёкубова, Гулнора.
M-31 Ватан севгиси: шеърлар тўплами / Г.Матёкубова. –
Тошкент: Истиқлол, 2012. – 64 б.

УДК: 821.512.133-1
КБК: 84(5Ў)7

ГУЛНОРА МАТЕҚУБОВА

Ватан севгиси

Тошкент — «Istiqlol» — 2012 й.

Муҳаррир **Жаббор Рассоқов**
Мусаввир **Хусниддин Ёқубов**
Мусаҳҳих **Наргиза Атабоева**
Саҳифаловчи **Суннат Пўлатов**

Нашриёт лицензияси AI № 217, 05.08.2012 й.
Босишга руҳсат этилди 15.11.2012 й. Таймс Тад гарнитураси.
Бичими 84×108 ¼. Ҳажми 4,0 б.т. Офсет қозози. Адади 1000 нусха.

«Istiqlol nashriyoti», Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-й.

«Istiqlol nashriyoti» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-й. Буюртма № 78.